XX АСР 20–ЙИЛЛАРИДА ЭСКИ УСУЛ МАКТАБЛАРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

Жуммагул Номазовна Абдурахманова
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритиб келган эски усул мактабларига XX асрнинг 20–йилларида совет ҳокимиятининг муносабати ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, коммунистик мафкура, диний ва дунёвий таълим, совет мактаблари, эски усул мактаблари, масжид, мадраса.

ATTITUDE TO OLD METHODIC SCHOOLS IN THE 20S OF THE XX CENTURY

Jummagul Nomazovna Abdurahmanova
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

In this article, the attitude of Soviet power to the old–style schools operating in the territory of Uzbekistan in the 20s of the XX century was highlighted.

Keywords: Soviet power, communist ideology, religious and secular education, Soviet schools, old-fashioned schools, mosques, Madrasah.

КИРИШ

Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади юртимизда соғлом, баркамол, билимли ва юксак маънавий–аҳлоқий фазилатларга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашдан иборат.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим соҳасига катта эътибор қаратилди. Бундан ташқари Ўзбекистонда барча–жинси, тили, ирқи, миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланган. “Ҳар ким билиш олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.”

Ўзбекистонда бугунги кунда янгича ёндашувлар асосида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар натижасида таълим тизимида янги давр бошланди. Бундан ташқари ушбу ислоҳотлар Ўзбекистон таълим соҳасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим тизими ривожланиб борар экан келажакда жамиятимизни энг олий қадриятлар ва халқимиз истаклари йўлида тараққий этишини таъминлайди. Қолаверса, дунё тараққиёти ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Шунинг учун, таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон ҳудуди азалдан илм-маърифатли, зиёли инсонлар макони бўлиб келган. Қадим–қадим даврлардан ушбу заминда дунёга донғи кетган мадраса, мактаб ва дорилфунунлар бўлган. Буюк мутафаккир олимлар, фозилу–фузалоларимиз жаҳон фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшиб келганлар.

Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмларидан бири бўлган таълим тизими жамият тараққиётининг ҳар қайси даврида ўзига хос тарзда яратилади. Ҳар бир давр маданияти, илм–фани, таълим тизими ҳақида фикр юритилганда, энг аввало ўша жамиятда илм-фан, адабиёт, санъат, маданият ва таълим тизимига муносабатдан келиб чиқиб таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳар бир тарихий даврда илм-фан, маданият ва таълим тизимига муносабат ҳар хил бўлган. Бинобарин, биз яқин ўтмишнинг, яъни совет ҳукумати ҳукмронлиги даври XX асрнинг 20–йилларига назар ташласак, бу давр ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлиги билан ажралиб туради.

Мазкур йилларда коммунистик мафкура асосида компартия ўзининг сиёсатини ҳаётга тадбиқ қилиш учун “шаклан миллий, мазмунан социалистик” ғояни тарғиб қилувчи “маданий инқилоб” тадбирларини ишлаб чиқди ва уни шошилинч тарзда амалга оширишга киришди. Жамият ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлган таълим тизимида ҳам мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларданоқ маданият, таълим соҳасида ҳукмрон давлат мафкурасига мос ўзгаришларни амалга оширишга киришилди.

МУҲОКАМА

Совет тузуми томонидан бир қатор чора–тадбирларнинг амалга оширилиши аввало, маҳаллий аҳоли орасидан чиққан таълим тизими ходимлари, маданият арбоблари, миллий маърифатпарварларнинг сайъи ҳаракатлари натижасида XX аср 20–йилларининг биринчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида маданий ҳаёт комммунистик мафкурага хос кўринишда қарор топа бошлади.

Ташкил этилаётган янги совет мактаблари икки босқичли шаклда тасдиқланган. Биринчи босқичда 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар (беш йиллик

ўқиш), иккинчи босқич 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларни мажбурий умумий ва политехник (назарий ва амалий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқлари билан таништирадиган) таълимга жалб қилиш зарурлиги ҳам таъкидланган.

Қадимдан Ўрта Осиё ҳудудида маърифат ва маънавият марказлари эски усул мактаблари, масжид ҳамда мадрасалар бўлиб, улар ўлканинг минг–минглаб ёшларининг таълим–тарбия олишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келган. Мазкур билим даргоҳларидан жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиққан.

Мактаб ва мадрасалар аждодларимиз тўплаган бой маънавий меросини, илм–фанни тарқатиш маскани сифатида фаолият, кўрсатиб, аҳоли маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб келган. Мадрасаларда диний билимлар билан бирга дунёвий ва табиий фанлар, араб ва форс тиллари, адабиёт, мантиқ, фалсафа, тарих, риёзат, метрология, муҳандислик каби фанлар ўқитилган.

Эски усул мактаб ва мадрасалари фаолиятида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, муаммолар эски усул мактаб ва мадрасалардаги ўқиш тизимига таъсир кўрсатиб келган.

НАТИЖАЛАР

XX асрнинг 20–йиллари бошида ҳам Ўзбекистонда совет мактаблари билан бир қаторда эски усул мактаблари, диний ташкилотлар томонидан таъминланиб бориладиган вақф мактаблари, масжид ҳамда мадраслар ҳам ишлаб турган.

Компартиянинг 1925 йил ноябрда бўлиб ўтган II съездида совет мактаблари сонини кўпайтириш, мактаб ёшидаги болаларни совет мактабларига жалб қилиш, маҳаллий миллат вакилларининг диний ва хусусий мактаблар очиш учун ҳаракат қилишларига йўл қўймаслик лозимлиги уқтирилди.

1925–1926 йилларда Ўзбекистонда 100 га яқин вақф мактаблари, 1600 дан ошиқ эски усул мактаблари бор эди. Шулардан 250 таси яширин ҳолда фаолият олиб борган. Мазкур йилларда Ўзбекистонда совет мактаблари сони 842 тани ташкил қилган.

1928 йил 11 ноябрда ЎзССР МИҚ 2–чақириқ IV сессиясида “Эски усул мактаб ва мадрасларни тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарорда қуйидагилар асосий вазифа қилиб белгиланди:

1) Бутун Ўзбекистон ССРда бўлган эски усул мактаблари ёпилсин ва келгусида шундай макбатларни ташкил қилишга йўл берилмасин. Ушбу қарор эркак ва аёллар мактабларига нисбатан бир кучда ҳисоблансин;

2) Эски усул мактаблари шу қарор эълон қилингандан кейин 10 кун муддат ичида ёпилмаган тақдирда, шу типдаги мактаблар очилса, шундай мактабни

ташкил қилувчи муаллимлар, домлалар ва ташкилотчилар жиноий жавобгарликка тортилсин.

Ушбу қарор чиққан даврдан бошлаб, шу вақтнинг ўзида Ўзбекистонда 1200 та эски усул мактаблари тугатилди. 1928 йил охирига келиб, советлар томонидан эски усул мактаблари фаолияти бутунлай тўхтатилди. Ҳатто мазкур мактаблар ва мадрасаларни тугатиш ишлари билан давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) ҳам шуғулланиб, бошқарма ушбу мактаблар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишда, уларга нисбатан кўриладиган чораларни ҳам маҳфий равишда олиб боришган.

Шу тариқа Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаёти, миллий маданияти тарихида катта ўрин эгаллаган мусулмон мактаб ва мадрасалари фаолияти советлар юритган сиёсат туфайли тўхтатилди.

ХУЛОСА

XX аср 20–йилларида Ўзбекистонда мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ташкил этилиб, аҳолининг маълум бир қисми ушбу таълим муассасаларига жалб қилинган бўлсада, лекин, таълим тизимининг барча бўғинларида бир қатор жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Энг аввало, совет таълим тизимида билим олувчиларнинг миллий хусусиятларига, уларнинг маънавиятини аждодларимиз маънавий мероси асосида шакллантиришга катта эътибор берилмади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 41–модда. –Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
2. КПСС съездлари, конференциялар ва МК пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т., 1-қисм. 210-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Фонд – 89, рўйхат № 1, йиғма жилд 4773, 15, 61–варақлар.
4. Абдурахманова Ж. Н. (2020). Муғаллим ҳем ўзликсиз билимлендири.1(1). 22-26
5. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442.
6. Абдурахманова Жуммагул Номазовна. (2020). XX аср 20-30 йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари таълим тизимидаги ҳолат. Madaniyat chorrahalari. 4(2).36

7. Ғаффоров.Я.Х. (2020). Мактаб ислоҳати ва ўқитиш услубларини такомиллаштириш. Science and education. Sgientific Journal. 2020, 482.
8. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). ТУРКИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. Science and Education, 1(7), 625-631
9. Toshtemirova S. A. Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim.-2020. - № 1 (86). - S.5
10. Gafforov Ya.X., Toshtemirova. S. (2020). Ways to increase the effectiveness of education in an integrated environment. International Journal of Current Research and Review. India. pp. 647-655.
11. Ғаффоров Я.Х. (2020). Ўқитиш методларини танлашнинг асосий жиҳатлари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 12-18.
12. Ж.Н.Абдурахманова.(2019). Узлуксиз таълим тизимида “мактаб–лаборатория”нинг ўрни ва аҳамияти. Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий – амалий анжуман тўплами. 2
13. Ж.Н.Абдурахманова.(2018). Таълим тизимидаги қатағонлик сиёсати ва унинг ўрганилиши (1925 – 1940 йиллар). ЎзМУ Тарих факультети “Марказий Осиё тарихи, археологияси ва этнологияси масалалари” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами.1(3).4
14. Toshev S. (2020). TARIX FANINI O’QITISHNDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Science and Education, 1(Special Issue), 6
15. JI Suyundikovich. (2020).TARIXNI O'QITISH METODIKASI RIVOJLANISHI TARIXIDAN. Fan va ta'lim, 1 (5), 195
16. Ж.Н. Абдурахманова. (2019). Тарих фанини ўқитиш усуллари ва уларнинг самарадорлиги. Ta’lim, fan va innovatsiya. 1(4).35-39
17. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // «Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development» collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
18. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX -Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation 24 (7), 8034-8042
19. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
20. Ҳ. Жўраев. (2019). XX аср бошларида Бухорода хотин - қизлар ҳаракати (1920 - 1924). Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим муаммоси ва ечимлари.1. 239